
Бағдодда "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доирасида кўчат экиш ишлари қизғин бормоқда

Бағдод туманида мавжуд маҳаллаларда, корхона-ташкilotлар ва муассасаларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишлари қизғин тус олди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга қаратилган тадбирлар доирасида олиб борилаётган ушбу эзгу ташаббусда меҳнат жамоалари, нуронийлар ҳамда ёшларнинг иштироки, айниқса, сезиларли бўлмоқда.

Жумладан, бугун туман ички ишлар бўлими шахсий таркиб ходимлари томонидан 43 та манзарали ҳамда 36 та мевали дарахт кўчатлари экилди. Шунингдек, "Самарқанд" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари эса ўзаро ҳамжиҳатликда 100 туп қарағай ва 3 минг туп терак кўчатлари экилгани ҳақида маълум қилишди.

Дарахтларни экиш жараёнида кекса авлод вакилларининг тавсияларига таянилгани айтилмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-02-28 17:06:17